# Qishloq hayoti

Қишлоқ хаёти

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 10-APREL, SESHANBA, 43 (7971) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Сирдарё вилояти "Сувоқова" ишлаб чиқариш бошқармаси ва унинг тасарруфидаги 12 та корхона жамоалари зиммасига аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашдек масъулиятли вазифа юклатилган. Кейинги икки йил давомида бошқарма томонидан вилоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 1256,6 миллион сўмлик ишлар бажарилиб, 3 та тик қудуқ қазилди, 2 дона тик қудуқ таъмирланди. 2



Китоб тумани ҳокимлиги ташаббуси билан қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фермерлар, тадбиркорлар ҳамда тажрибали томорқачилар Сурхондарё вилоятида бўлишди ва у ердаги томорқачилар, кўпни кўрган деҳқонлар билан тажриба алмашди. 3



Наманган шаҳридаги "Паҳлавон" спорт мажмуасида халқаро Дэвис кубоги Осиё-Океания минтақаси биринчи гуруҳ жамоалари ўртасидаги теннис мусобақаси бўлиб ўтди. Унда кортга Ўзбекистон ҳамда Ҳиндистон мамлакатларининг ракетка усталари чиқишди. 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

Бухоро Вилояти

## ФЕРМЕРНИНГ ИССИҚХОНАСИ

### У НАФАҚАТ БОЗОРЛАРИМИЗ ТЎКИН-СОЧИНЛИГИ, БАЛКИ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҲАМ ХИЗМАТ ҚИЛАЁТИР



"Шаҳзод Рауф" фермер хўжалиги Қоровулбозор туманидаги илғор хўжаликлардан бири. Фермер Учқун Жабборов раҳбарлигида жамоа 154 гектар экин майдонининг 70 гектарида ғалла, 83,5 гектарида пахта етиштиради. Ўтган йили бу ерда ярим гектар майдонда иссиқхона ҳам ташкил этилди. Иссиқхонада 15 кишига муқим иш ўрни яратилди. Бу йил қиш фаслида 25 тонна маҳсулот етиштирилиб, бозор ва савдо дўконлари орқали аҳоли дастурхонига тортиқ қилинди.

— Бодринг ҳосилини бугун-эрта йиғиштириб олиб, иссиқхонага серҳосил помидор кўчатлари ўтқазишни режалаштираяпмиз, — дейди хўжалик иш юритувчиси Исо Умаров. — Насиб этса, помидордан ҳам юқори ҳосил олиш ниятимиз бор.

**СУРАТДА:** *иссиқхона ишчилари Ҳалима Ҳожиева ва Муҳаррам Гобурова.*

**Ҳамроз АЛИ олган сурат.**

Тошкент Вилояти

Президентимиз Ислом Каримов 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи барчамизнинг жиддий ва доимий эътиборимиз марказида туриши зарур, дея алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.

## БИТИРУВЧИ УЧУН КОРХОНАДА ИШ ЎРНИ

Бу борадаги ишларнинг самараси сифатида коллежлар ва корхоналар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини ўташлари ва келажакда иш билан таъминланишлари бўйича шартномалар тузишни йўлга қўйилганлигини эътироф этиш ўринли. Ўтган даврда республикамиз миқёсида 390 минг нафар йигит-қизларнинг муқим иш ўрнига эга бўлганликлари бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг амалий натижасидир.

Бу йил Тошкент вилоятидаги 114 та касб-ҳунар коллежини 37 минг 79 нафар ёшлар битириб чиқади. Уларнинг корхоналарда амалиёт ўташлари ва келажакда доимий иш билан таъминланишлари учун ҳозирданоқ муайян тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Ҳукуматимиз томонидан яратиб берилган бундай қулай шарт-шароитлар туфайли 2012 йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун шу кунгача 15 мингдан зиёд иш ўрни тайёрлашга эришилмоқда, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг етакчи мутахассиси Фаррух Ҳақбердиев. — Бунинг учун ўқувчиларга амалиётларни ташкил этиш, битирувчиларнинг келажакдаги иш ўринларини ҳозирдан аниқлаш бўйича касб-ҳунар коллежларини ўз йўналишлари бўйича ташкилот ва корхоналарга бириктирилаётганлиги айни муддао бўлмоқда. Амалга оширилаётган ибратли ишлар, айниқса, қишлоқларда жойлашган 27 та касб-ҳунар коллежи мисолида яққол кўзга ташланмоқда. Ўтган йили тижорат банклари ҳамда техник хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан туманлардаги МТПлар базасида ўнлаб янги "Автотехсервис" МЧЖларга асос солинган эди. Битирувчиларнинг касб кўникмаларини ошириш мақсадида ушбу жамиятларда махсус синфхоналари ташкил этилган. Улар зарур жиҳозлар, кўргазмали воситалар билан таъминланган. Амалиётлар "устоз-шогирд" анъаналари асосида олиб борилмоқда.

Ўқувчиларнинг амалиётдаги фаол ҳаракати ва ўрганаётган мутахассисликларига қараб, уларни корхоналарга ишга қабул қилиш кўзда тутилмоқда. Қишлоқлардаги касб-ҳунар коллежларининг йўналиши асосан қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги механизацияси билан боғлиқ эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, ушбу омил жуда муҳимдир. Масалан, ўтган йили ғалла ўрими мавсумида туманлардаги МТП базасида ташкил этилган МЧЖларда амалиёт ўтаган битирувчилар комбайнларга бириктириб қўйилган эди. Ҳам амалиёт ўтаб, ҳам даромад топган ёш мутахассисларнинг аксарияти мавсумдан сўнг корхонада доимий ишлаб қолдилар. Бугун Тўйтепа, Бўка, Дўстобод "Автотехсервис"ларида ана шундай ёшларни кўплаб учратиш мумкин. Демакки, анъана бу йил ҳам давом эттирилмоқда. Муҳими шундаки, қайд этилган корхоналарда механизация йўналишидан ташқари чорвачилик, паррандачилик, чилангарлик ҳамда техникаларга сервис хизмати кўрсатиш соҳалари фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## Куннинг муҳим воқеалари

▶Икки томонлама ҳамкорлик дастури доирасида мамлакатимизга ташриф буюрган Буюк Британия ҳукумати аъзоси, Консерваторлар партияси ҳамраиси баронесса Саида Варси 9 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова билан учрашди.

▶**Тошкент шаҳрида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан экологик боғ барпо этилди. Экобоғ ҳудуди асосан уч қисмдан – велосипедчилар ва скейдбордчилар учун махсус йўлакчалар, кичкинтойлар учун турли аттракцион ва инсталляцияга эга ўйинлар ҳудуди ҳамда болаларга тасвирий ва амалий санъат сирларини ўргатиш майдончасидан иборат.**

▶4-9 апрель кунлари Германиядан келган мутахассислар ва мамлакатимиз шифокорлари Қарши, Самарқанд, Жиззах шаҳарлари ва пойтахтимизда қарийб беш юз нафар туғма нуқсонли бемор болани тиббий кўрикдан ўтказди. Бемор болаларнинг бир қисми жорий йилнинг август ойида Германия клиникаларида даволаниш учун жўнатилади.

Қорақалпоғистон Республикаси

## САКРАБ ЮРСИН САЙҒОҚЛАР

**Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва "Чинор ЭНК" экологик нашриёт компанияси ҳамкорлигида "Табиатни муҳофаза қилишда ҳамкорликни ривожлантириш" мавзусидаги семинар-тренинг ташкил этилди. Унда экологик жамоатчилик, ўқув муассасалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Семинар-тренингда сўнгги йилларда камайиб бораётган ҳайвонлардан бири — сайғоқларни асраб қолиш борасидаги тадбирлар тўғрисида кенг маълумот берилди. Сайғоқ шохининг тиббиётда дори-дармон сифатида фойдаланилаётганлиги уларнинг йилдан-йилга камайиб кетишига асосий сабаб бўлмоқда. 2008 йилдан сайғоқ Ўзбекистон Республикасининг "Қизил китоб"ига киритилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги "Биология ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, сайғоқларга келтирилган зарар учун Ўзбекистон фуқароларига энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида, чет эл фуқароларига ўн минг АҚШ доллари миқдорида жарима белгиланган.

"Сайғоқларни сақлаб қолиш Альянси" халқаро ташкилоти томонидан ушбу жониворларни сақлаб қолиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Халқаро ташкилот ва "Экомактаб" нодавлат нотижорат ташкилоти экспертлари томонидан плакатлар, ўқув қўлланмалар, дарсликлар чоп этилиб, ҳар йили "Сайғоқ куни" ва бошқа тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жорий йилнинг май



ойида Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамкорлигида "Сайғоқ куни" тадбирини ўтказиш режалаштирилган.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**

## СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан маънавий қадриятларимизни тиклаш, тарихни холис ва чуқур ўрганиш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар самарасида Соҳибқирон бобомизнинг шарафли номи тикланди. Амир Темурнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси бугун дунё миқёсида кенг ва катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.**

Амир Темур таваллудининг 676 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтаётган илмий анжуманлар, маърифий тадбирлар, давра суҳбатларида бу яна бир карра ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

9 апрель куни Тошкент шаҳридаги улуғ бобокалонимиз номи билан аталувчи файзли хиёбонда Соҳибқирон таваллудига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, жамоат ва халқаро ташкилотлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари, маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, темурийшунос Санжар Ғуломов, "Туркистон" ва "Молодёжь Узбекистана" газеталари бош муҳаррири Салим Ашур ва бошқалар Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, ёшларни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб вояга етказиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этишини таъкидлади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, Амир Темур шахсини идрок этиш – тарихни идрок этиш, ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш – тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ёсихиса Курода донишмандлик, мардлик ва жасурлик рамзи бўлган азми қатъий беназир зот Амир Темур Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг фахри, куч-қудрати манбаи, чинакам қаҳрамони эканини таъкидлади.

Бобокалонимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти, кучли ва обод мамлакат, адолатли жамият барпо этиш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, барқарорлик, саховат, меҳр-оқибат муҳитини асраб-авайлаш, халқ фаровонлигини таъминлашга оид ғоя ва қарашлари мустақил Ватанимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ўз ифодасини топмоқда.

(Давоми 4-саҳифада)



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Тошкент Вилояти

# ҚИРҚ ЙИЛЛИК ТАЖРИБА ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРИШГА ЕТАДИ

**Чиноз туманидаги "Усмонобод" фермер хўжалигида пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштириш борасида илғор тажрибалар тўпланган.**

Фермер хўжалигига қишлоқ хўжалигида қирқ йиллик иш тажрибасига эга Усмонали Эрматов раҳбарлик қилади.

— 2000 йили 10 гектар ер олиб, фермер бўлдик, — дейди Усмонали ака. — Кейинчалик еримиз кенгайиб борди ва 160 гектарга етди. Ишни аввало, техникаларни жамлашдан бошладик. Қисқа вақт ичида ВТ-150, МТЗ-80, ТТЗ-80 тракторларига, уларнинг тиркама, плуг, культиватор ва борона каби воситаларига эга бўлдик. Банк муассасаларидан кредитга 1 та ВТ-150 занжирли, 1 та ТТЗ-80 тракторини лизинг асосида харид қилдик. Бу йил ТТЗ-80,2 трактори олишни режалаштирганмиз.



Президентимиз ташаббуси билан 2012 йилнинг Мустаҳкам оила йили, деб номланганлиги бизни руҳлантириб юборди. Хўжаликни юритишда 5 нафар ўғлимга таянаман. Катта ўғлим Улуғбек иқтисодчи, у хўжаликнинг ҳисоб-китоб ишларини олиб боради. Ойбек зоотехник, Акмал, Отабек, Элбеклар машина ва тракторларни бошқаришади.

Оила бекаси Тамара опа узоқ йиллар ўқитувчилик қилди, ҳозирда нафақада. Шундай бўлса-да, опа фермерликнинг яна бир тармоғи — сабзавотчиликда келинлари Нодира, Дилноза, Сурайё, Моҳигулларга бош-қош бўлиб, 50 сотих иссиқхонада турли сабзавотлар етиштириш билан машғул.

— Муваффақиятларимиз сабаби аҳилликда, — дейди Усмонали ака. — Барча фарзандларим уйланган, бола-чақали бўлишган. Яқинда катта ўғлим Улуғбек Олмазор қўрғонида қурилган намунавий уйлардан бирига кўчиб ўтди. 2011 йили 200 тонна пахта, 247 тонна буғдой етиштирдик. Даромадимиз яхши бўлди.

Фермер хўжалиги аъзолари чорвачиликни ҳам ривожлантирмоқда. Ҳозирда фермер хўжалигида 200 бош қорамол, 20 бош қўй, 5 бош от, 50 та товуқ боқиляпти. Чиноз деҳқон бозори билан тузилган шартномага кўра, 2011 йилда 15 тонна гўшт етказиб берилган бўлса, бу йил 20 тонна гўшт етказиб бериш режалаштирилган.



*Фермер У.Эрматов фарзандлари — иқтисодчи Улуғбек ва зоотехник Ойбек билан.*

Усмонали Эрматов раҳбарлигидаги "Усмонобод" фермер хўжалиги "Ташаббус — 2012" кўрик-танловининг туман босқичида "Энг яхши фермер" йўналишида биринчи, вилоят босқичида эса 3-ўринга сазовор бўлди.

Фермер хўжалиги ҳисобидан ўтган йили 4 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол берилди, маҳаллада 1,5 километр масофага газ қувурлари тортилиб, ободонлаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшилди.

Боболеҳқонларимиз "Кўкламнинг бир куни йилга татийди", деб бежизга айтишмаган. Шунинг учун фермер хўжалиги аъзолари баҳорнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишяпти.

Бу йил "Усмонобод" фермер хўжалиги деҳқонлари мавжуд майдонининг 60 гектарида ғалла парвариш қилишяпти. Айни кунларда буғдойзорларни бегона ўтдан тозалаш, озиқлантириш ва суғориш ишлари олиб борилмоқда. Чигит экиладиган майдонни тайёрлаш ишлари сифатли давом эттириляпти.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*А.НОСИРОВ олган суратлар.*

Наманган Вилояти

**Ўлкамизда баҳор. Дала-даштда иш қизғин тусга кирди. Айниқса, боғларнинг таровати ўзгача.**

# БОҒЛАРДА ИШ ҚИЗҒИН

— Баҳор яшариш, яшнатиш ва яратиш фасли, — дейди Наманган боғдорчилик ва узумчилик хўжаликлари уюшмаси раисининг ўринбосари Муродилла Ҳасанов. — Шу боис, айни кунларда вилоятимизнинг барча туманларида баҳорги дала ишлари авж олдириб юборилган. Айниқса, кўчат экиш, янги боғлар барпо этишга катта аҳамият берилган. Жумладан, вилоятимиз бўйича жами 24 минг 800 гектар майдонда мевали боғлар мавжуд бўлиб, жорий йилда яна 1721 гектар майдонда янги боғлар ташкил этилмоқда. Шундан 710 гектари данакли, 1011 гектари эса уруғли мева боғлари ҳиссасига тўғри келади.

Шунингдек, интенсив боғлар барпо этиш ва бу билан ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш — бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Бу борада ўтган йили вилоятимиз бўйича ибратли ишлар амалга оширилган эди. Жорий йилда ҳам вилоятимиз бўйича жами 124 гектар майдонда интенсив боғлар яратилмоқда. Бундан ташқари, 566 гектар майдонда янги токзорлар бунёд этилиб, уларни тажрибали боғбон ва соҳибкорлар парвариш қилишмоқда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

**Косон туманидаги Мўлали маҳалла фуқаролар йиғини учун замонавий гузар қад кўтарди. У ҳомийларнинг бевосита саъй-ҳаракати билан барпо этилди.**

# ЯНГИ ГУЗАРГА КЕЛИНГ

Маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси М.Худойбердиевнинг таъкидлашича, бу хайрли ва савоб ишда маҳалла фаоллари, тадбиркорлар ҳамда фермерлар алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Андабозор, Қорабайир ва Мўлали қишлоқларидан иборат ушбу маҳаллада оқар сув таъминотига эга бўлмаган икки юз хонадонга обиҳаёт келтирилди. Бундан ташқари, хонадонлар томорқаларида ўн икки минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Қишлоқлар ҳудудидаги мактабларни таъмирлаш учун ҳомийлар томонидан 36 миллион сўм маблағ ажратилди. Ёрдамга муҳтож оилаларнинг йигирма икки нафар фарзандлари учун "Халқ банки"нинг туман бўлимида ҳисобрақами очилиб, ҳар бирининг номига эллик минг сўмдан маблағ қўйилди.

— Бундай ҳур, озод замонани берган мустақилликка катта раҳмат, — дейди меҳнат фахрийси Нарзи ота Элмирзаев. — Энди ана шундай кўркам ва шинам маҳалла гузари, унинг ҳудудини янада ободонлаштиришда бош-қош бўламиз. Фарзандларимизни билимли, меҳнатсевар, эл-юрт корига муносиб ворислар қилиб тарбиялаймиз.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Хоразм Вилояти

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Боғот тумани бўлими Кенгаши ташаббуси билан "Юрт равнақида менинг ҳиссам" мавзусида акция ташкил қилинди.**

# ХАЙРЛИ ТАДБИР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тадбир доирасида ёшлар маҳаллаларда ёлғиз яшовчи ва боқувчисини йўқотган хонадон эгаларининг томорқаларига экин экиш, боғларини парваришлаш ишларига кўмаклашишмоқда. Туман "Камолот" ЁИҲ бўлими Кенгашининг етакчилари ва фаол аъзоларидан тузилган 360 нафар йигит-қиздан иборат 36 та "Ёш кўнгилли"лар гуруҳи томонидан 98 та хонадондаги мевали дарахтларга шакл берилди, атрофлари юмшатилди, сабзавот ва полиз экинлари экилди. Шунингдек, бундай хайрли ишларга тумандаги мактаб ва коллеж ўқувчилари, тиббиёт муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда ташкилотлар катта ҳисса қўшмоқдалар.

Тадбир давомида маҳаллада томорқасидан самарали фойдаланаётган томорқачиларни муносиб тақдирлаш ва уларнинг тажрибаларини оммалаштириш ҳам кўзда тутилган.

**Музаффар ХЎЖАНИЁЗОВ,**
**"Камолот" ЁИҲ Боғот тумани бўлими Кенгаши раиси.**

**Экин сув билан тирик. Мўл ҳосил олишнинг асосий омили ҳам экинга обиҳаётни ўз вақтида, меъёрида беришга боғлиқ. Суғоришда сувдан тежаб ва оқилона фойдаланишнинг мураккаб томонлари кўп.**

# СУҒОРИШ ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Жумладан, сув буғланиши. Бунда суғориш тизимининг фойдали иш коэффициенти камаяди. Уни ошириш учун томчилатиб суғориш усулига алоҳида эътибор қаратилади. Кўп йиллик тажрибаларга кўра, томчилатиб суғориш усулидан фойдаланиш кам сув сарфлаб, юқори ҳосил олишга имкон беради. Муҳими, суғориш ишларини тўлиқ механизациялаш ва автоматлаштириш мумкин бўлади.

Бир нечта хўжаликда ўтказилган тажрибалар ҳосилдорлик гектарига 8-10 центнергача ошганини кўрсатди. Ўртача мавсумий суғориш меъёри эгатлаб суғоришда гектарига 6000-8000 метр кубни ташкил этган бўлса, томчилатиб суғоришда гектарига 3000-4000 метр кубга тенг бўлди. 100 килограмм ҳосил етиштириш учун 200-300 ва 50-70 метр куб сув талаб қилинди. Томчилатиб суғориш ўсимлик эҳтиёжига қараб обиҳаёт бериш имконини беради. Қуйидаги технологик жараёнлар — эгат олиш, ариқлар ўтказиш ва уларни суғоришдан кейин текислаш ишларига ҳожат қолмайди. Демакки, ишчи кучи ҳамда ёнилғи тежалади. Минерал ўғитлар суғориш суви билан бирга берилганлиги сабабли ўғитларни культиваторларга солиш каби кўп қўл меҳнати талаб қиладиган ишлар бажарилмайди.

Чуқур ва нозик тозалайдиган фильтрлар ёввойи ўтларнинг уруғларини ушлаб қолади. Бундан ташқари, тупроқнинг намланиш ҳудуди чекланганлиги сабабли, далада бегона ўтларнинг ўсиши камаяди. Натижада далаларни бегона ўтлардан тозалаш, олдинги шароитдаги 3,5 марта ўрнига 2 марта ўтказилади. Экинга обиҳаёт бериш томчилатиб суғорилиш усулида 12 марта ўтказилганда ҳам гектарига берилган сув сарфи 2 марта камайган. Энг муҳими, томчилатиб суғоришда тупроқдаги минерал ўғитлар ва бошқа озуқаларнинг ювилиб кетиши кузатилмайди.

**Ж.РУСТАМОВ,**
**Б.ҚИЛИЧЕВ,**
**Тошкент ирригация ва мелиорация институти магистрантлари.**

Сурхондарё Вилояти

# ДЕҲҚОНЛАР УЧУН МАСЪУЛИЯТЛИ МАВСУМ

**Жорий йилда Сурхондарё вилояти фермерлари 119 минг 600 гектар майдонда воҳа иқлимига мос, серҳосил "Наманган-77", "Бешқаҳрамон", "Султон", "Бухоро-102" каби ғўза навларини парваришлайди. Бунинг учун мавжуд майдонлар сифатли шудгорланиб, етарли миқдорда маҳаллий ўғит жамғарилди. Бир минг 356 сеялка ва бошқа техника воситалари мавсумга шай қилиб қўйилди.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар фермерларда ерга, мулкка эгалик ҳиссини кучайтирмоқда. Соҳада илғор технологиялар жорий этилиб, мўл ҳосил етиштиришга қизиқиш ортаётир.

Сурхондарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, об-ҳаво серёғин келган бу йилги шароитда мавсумни қисқа кунларда якунлаш учун чигит экишни отряд усулида амалга ошириш кенг жорий этилди. 262 отряд тузилиб, мавжуд техника воситалари билан таъминланди. Уларнинг кучидан самарали фойдаланилмоқда. Етарли миқдорда эҳтиёт қисмлар захираси яратилиб, техникага даланинг ўзида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Термиз туманида 113 фермер хўжалиги 5 минг 339 гектар майдонга уруғ қадамоқда. Мавсумни тез ва сифатли якунлаш учун 11 чигит экиш отряди ташкил этилиб, уларга 86 техника воситаси бириктирилди.

Тумандаги "Ат-Термизий – Намуна" фермер хўжалиги миришкорлари кўкламнинг илиқ кунларини ғанимат билиб, қисқа муддатда 26 гектар майдонга "Ҳамкор" навли ғўза уруғини қадади. Фермер хўжалиги бошлиғи Бахтиёр Чоршанбиевнинг таъкидлашича, эрта баҳорда униб чиққан ғўза ниҳоллари меҳр билан парвариш қилинса, мўлжалдаги ҳосил тўпланиб, тез пишиб етилади, сифатли хомашё йиғиб олинади. Айни кунларда фермер ерга қадалган барака уруғини сифатли ундириб олишга қаратилган агротехник тадбирларни амалга оширмоқда.



Тажрибали мутахассислар намгарчиликнинг меъёрдан ортиқ бўлиши кутилаётган бу йилги шароитда чигитни қўшқатор усулда экишни тавсия этмоқда. Чигит бундай усулда ерга қадалса, кўпроқ кўчат ундириб олинади ва ҳосилдорлик юқори бўлади.

Жорий йилда вилоятнинг Узун тумани пахтакорлари 5 минг 900 гектардан ортиқ майдонда ғўза парваришлаб, мўл ҳосил етиштиришни мўлжалламоқда. Туман фермерлари мутахассислар тавсиялари асосида иш юритиб, чигит экиш мавсумини қисқа кунларда сифатли якунлаш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда.

– Деҳқон учун ерга барака уруғи қадаш жуда муҳим иш, – дейди тумандаги "Орифхонбобо" фермер хўжалиги бошлиғи Нуриддин Хўжаев. – Бу йил 64,6 гектар ерда "Наманган-77" навли ғўза парваришлаб, ҳар гектар майдондан ўртача 37,5 центнердан ҳосил йиғиб олишни мўлжалламоқдамиз. Ана шу мақсадда уч иш кунида чигит экишни якунладик. Шу кунларда бир текис униб чиқадиган ниҳолларни илғор агротехник тадбирлар асосида парваришлашга алоҳида тайёргарлик кўряпмиз. Бунинг учун етарли техника воситалари ва ишчи кучига эгамиз.

Вилоятнинг Сариосиё, Денов, Жарқўрғон, Музработ туманларида ҳам пахта далаларига чигит экиш уюшқоқлик билан сифатли амалга оширилмоқда.

**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Сирдарё Вилояти

# ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ — ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

**Вилоят "Сувоқова" ишлаб чиқариш бошқармаси ва унинг тасарруфидаги 12 та корхона жамоалари зиммасига аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашдек масъулиятли вазифа юклатилган. Кейинги икки йил давомида бошқарма томонидан вилоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 1256,6 миллион сўмлик ишлар бажарилиб, 3 та тик қудуқ қазилди, 2 дона тик қудуқ таъмирланди. Жами 20 дона ҳар хил русумдаги сув насослар ўрнатилиб, 55,6 километр масофада қувурлар ётқизилди. Натижада 44 та аҳоли пунктида ичимлик суви таъминоти яхшиланди.**

Вилоят ҳокимининг 2011 йил 10 февралдаги 39-сонли фармойишига асосан аҳолини тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида 1-босқичда амалга оширилиши зарур бўлган ишлар учун 500 миллион сўм режалаштирилган эди. Натижада 11 та аҳоли яшаш пунктидаги 15912 нафар кишининг ичимлик суви таъминоти яхшиланди, 2 та янги тик қудуқ ковланиб, 1 та тик қудуқ тозаланди, 7,8 километр масофада ичимлик суви қувурлари ётқизилди.

Жумладан, Мирзаобод тумани F.Юнусов ва Кулбеков маҳаллаларига 1 дона горизантал сув насоси ўрнатилиб, 3000 метр масофада ичимлик суви қувурлари ётқизилди. Туманнинг Фарғона қишлоғига 1010 метр, Барлос қишлоғига ҳам шунча масофада ичимлик суви қувурлари ётқизилди. Натижада туманнинг 3 та аҳоли пунктида ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Ховос тумани Чаманзор маҳалласи 9-мактаб ҳудудида янги қудуқ қазилди. Қаҳрамон ҚФЙ ҳудудида ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун ускуна ва жиҳозлар ўрнатилиб, ишга туширилди.

Боёвут туманидаги Қаҳрамон қишлоғида ичимлик суви тик қудуғи қазилиб, 1010 метр масофада қувурлар ётқизилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан 2011 йилда 310 та намунавий уй-жойларга 24,6 километр ичимлик суви қувурлари ётқизилди. Бундан ташқари, 3 та тик қудуқ қазиш, 6 дона сув минораси ва 6 дона сув насоси ўрнатиш ишлари бажарилди. Хусусан, Мирзаобод тумани "Ҳайдар" массивида 2,5 километрлик сув қувури ётқизилиб, уй ичлариға жўмраклар ўрнатилди. Сув минораси тикланиб, намунавий лойиҳа асосида қурилган 31 та уй-жой ичимлик суви билан узлуксиз таъминланди. Сайхунобод тумани "Ёшлик" массивида 2 километр масофада сув қувурлари ётқизилиб, 15 та уй-жойга ичимлик суви етказиб берила бошланди. Сирдарё тумани "Пахтазор" массивида режадаги 1,3 километр масофада сув қувурлари ёқизилиб, сув минораси ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Оқолтин тумани Бўстон маҳалласида 1,2 километр масофада сув қувурлари тўлиқ ётқизилиб, намунавий лойиҳа асосида қурилган 14 та уй-жой ичимлик суви билан таъминланди. Сардоба тумани Наврўз маҳалласида 11 та уй-жойга сув қувурлари тўлиқ ётқизилди. Боёвут тумани "Деҳқонобод" массивидаги 80 та уй-жой учун сув қувурлари ётқизилди. Бундан ташқари, Гулистон тумани "Зарбдор" массивида 4,7 километр, Сайхунобод тумани "Пахтакор" массивида 1 километр, Ховос тумани "Чаманзор" массивида 1,7 километр масофада сув қувурлари ётқизилиб, қурилиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Сирдарё тумани "Малек" массивида 1 дона тик қудуқ қазилиб, сув қувурлари ётқизилди. "Ўзбекэнерго" ДАК томонидан Ширин шаҳри оқова сув тозалаш иншоотини таъмирлаш ва ускуна-жиҳозлар ўрнатиш учун 150 миллион сўм ҳомийлик маблағлари ажратилди. Ширин шаҳрида 144 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди ва 1 дона трансформатор ўрнатилди. "Ўзтрансгаз" АК томонидан ажратилган ҳомийлик маблағлари ҳисобидан Боёвут тумани Холмуродов қишлоғига ичимлик суви учун тик қудуқларга насос ва ускуна жиҳозлари ўрнатилди ҳамда 1425 нафар аҳоли ичимлик суви билан таъминланди. Ховос тумани Меҳнатобод ҚФЙ Қаҳрамон қўрғонида соатига 5 тонна ичимлик суви таъминотига хизмат қилувчи махсус ускуна ўрнатилиб, 36 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Натижада 1422 нафар аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 апрелдаги "Қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисида"ги қарорига асосан 2011 йилда вилоят ҳудудида 37 та қишлоқ аҳолиси ичимлик суви билан таъминланди.

Бошқармада мутахассис кадрлар тайёрлаш ишига ҳам катта эътибор берилмоқда. "Сув таъминоти ва канализация тизимларини монтаж қилиш ва таъмирлаш" ихтисоси бўйича мутахассислар тайёрлайдиган қурилиш ва коммунал хизмат касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг амалиётини ўтказиш, битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, бу ишга бошқарма масъул ходимлари бириктирилди. Ушбу коллежларда соҳага тааллуқли бўлган жиҳоз, ускуна ва сув насослари кўргазмали қуроллар сифатида фойдаланишга берилди. Бундан ташқари, Гулистон шаҳар "Шимолий сув ҳавзаси"да вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари амалиёт ўтказишлари учун махсус хоналар ташкил қилинди.



Бошқармада жорий йилда ҳам бу борада амалий ишлар олиб борилмоқда. Битирувчи ўқувчилар туманлардаги ҳудудий "Сувоқова" корхоналарида амалиётни ўтказишлари келишиб олинди. Бу даврда "устоз-шогирд" анъанасига асосан ҳар бир ўқувчига малакали мутахассислар бириктирилади. Коллежлардан битирувчиларнинг рўйхатлари олиниб, дислокация тузиб чиқилди. Амалиётни ўтовчилар махсус кийимлар билан таъминланди.

Вилоят "Сувоқова" ишлаб чиқариш бошқармасига келгусида керак бўладиган мутахассислар бўйича касб-ҳунар коллежлари бошқармасига таклифлар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги "2012 йил инвестиция Дастури тўғрисида"ги қарорига асосан вилоят ҳудудидаги Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод, Ховос ва Боёвут туманларида "Ичимлик суви тизимларини такомиллаштириш" лойиҳа ишлари амалга оширилмоқда.

— Ушбу йуналишда Жаҳон банки томонидан 88 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилиши ва лойиҳа ишлари 2012-2017 йиллар давомида амалга оширилиши кўзда тутилмоқда, — дейди бошқарма бошлиғи Улуғбек Назаров. — Ушбу лойиҳага асосан 343 минг аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади.

**И.ИНОМЖОНОВ**

